

**МУҲАММАД ИБН УМАР ВОҚИДИЙ ҲАЁТЛИК ЧОҒЛАРИДАГИ
БАЖАРГАН ВАЗИФАЛАРИ ВА У ЗОТНИНГ ВАФОТИ****Жамбилов Мансур Расулжонович***“Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA” кафедраси**I босқич таянч докторанти, Тошкент ислом институти**“Ҳадис ва Ислом тархи фанлари” кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация: *Имом Воқидийнинг вазифалари, қози бўлишлари ва Росафо масжидига имом вазифасига қўйилишлари;*

Калит сўзлар: *Муҳаммад ибн Умар Воқидий, Хорун ар-Рашид, Халифа Маъмун, маънавият ва турли илмлар, ислом тарихи.*

**МУҲАММАД ИБН УМАР ВОҚИДИЙ ҲАЁТЛИК ЧОҒЛАРИДАГИ
БАЖАРГАН ВАЗИФАЛАРИ**

Тарихий манбааларнинг зикр қилишича, Воқидийнинг Мадинаи мунавварани зиёрат қилган Хорун ар-Рошид билан алоқаси бўлган. Ўша пайтда Воқидий Мадина ҳодисалари ва ундаги улуғларнинг қабрлари борасида етарлича илга эга киши эди. Мана шу халифани шаҳарнинг ҳодисалари ва улуғларнинг қабрлари ҳақида билимга эга бўлиш ҳамда шаҳарни зиёрат қилиш мақсадида Воқидийдан ёрдам сўрашга ундаган ишлардандир. Бу ҳодиса Воқидий учун Хорун ва унинг ўғиллари билан алоқани ўрнатишига сабаб бўлди.⁵⁰

Дарҳақиқат бу алоқа унга жуда яқин бўлган Яхё ибн Холид ал-Бармакийнинг таъсири билан ҳам бўлган. Халифа Хорун Мадина бўлган вақтида ўзи билишни истаган ҳодисаларни Воқидий гўзал тарзда ташхис қилиб берганлигидан ажабланиб, унга ўн минг дирҳам беришларини буюрган.⁵¹ Воқидийга нисбатан бўлган бу иззат икром фақат мана шу ўриндагина эмас. Биз Воқидийнинг аббосийлар давлати замонида бир неча вазифаларга масъул бўлганлигини кўрамиз. Улар қуйидагилар:

Хорун ар-Рашиднинг даврида Бағдоднинг шарқий қисмига қози қилиб таъйинланиши.

Воқидий Бағдод томон сафар қилган вақтида халифа Хорун Бағдоднинг шарқий қисмига қозилик вазифасига таъйинлаган.⁵² Якут ал-Ҳамавий: “Рашид уни Бағдоднинг шарқий қисмига қозиликка таъйинлаган” дейди⁵³. Ибн Холликон: “Воқидий Бағдоднинг шарқий қисмига қозиликка лавозимида бўлган” дея

⁵⁰ Ибн Саъд Муҳаммад ибн Маниъ ал-Басрий аз-Зухрий. Ат-тобақот ал-кубро. -Байрут/Ливан: “Дару Содир” нашриёти, 1405/1985.-Ж.V.-Б.426

⁵¹ ⁵¹ Ибн Саъд Муҳаммад ибн Маниъ ал-Басрий аз-Зухрий. Ат-тобақот ал-кубро.-Байрут/Ливан: “Дару Содир” нашриёти, 1405/1985.-Ж.V.-Б.426

⁵² ⁵² Ибн Саъд Муҳаммад ибн Маниъ ал-Басрий аз-Зухрий. Ат-тобақот ал-кубро.-Байрут/Ливан: “Дару Содир” нашриёти, 1405/1985.-Ж.V.-Б.425

⁵³ Якут ибн Абдуллоҳ ал-Ҳамавий. Мўжам ал-адибба. -Байрут/Ливан: “Дару Содир” нашриёти, -Ж.V.-Б.393.

келтиради.⁵⁴ Саҳмий Журжон қозиси Ашъас ибн Ҳилолнинг таржимаи ҳолини келтириш асносида “Воқидий унга Бағдодда қозилик лавозимини юклаган” дея келтирган.⁵⁵

1. Халифа Маъмун даврида Маҳдий қароргоҳида⁵⁶ қозиликка тайинланиши.

Воқидий халифа Маъмун Хуросонда⁵⁷ қайтгунига қадар Бағдоднинг шимолий қисмида қозилик қилди. Халифа Маъмун уни иззат-икром қилар ва унга нисбатан ҳурмати чексиз эди. Маъмун уни тўрт йил муддатга Маҳдий қароргоҳига қозиликка таъйинлади⁵⁸. Ибн Саъд: “Воқидий мўминлар амири Абдуллоҳ ибн Ҳорун даврида Маҳдий қароргоҳида қозилик қилган” дея келтиради.⁵⁹ Хатиб ал-Бағдодийдан “Халифа Маъмун Хуросондан қайтгач, уни Маҳдий қароргоҳига қозиликка таъйинлаган” дея келтирилади.⁶⁰ Якут ал-Ҳамавий: “...сўнгра Маъмун уни Маҳдий қароргоҳига қозиликка таъйинлаган.” дея келтиради.⁶¹

Дарҳақиқат, Ибн Ҳайён (ваф.306.х/918.м) Бағдод қозилари ҳақида сўз юритиб, улар орасида Муҳаммад ибн Умар ал-Воқидийни ҳам келтирган.⁶² Ҳофиз Ибн Касир ҳам “Воқидий “Бағдод қозиси” дея лақабланар эди” дея келтириб ўтган.⁶³

2. Расофа масжидида имомлик

Ибн Ҳайён аббосий халифа Маъмун Воқидийни Расофадаги масжидда инсонларга жумъа намозини ўқиб беришга буюрганлигини ифодалайдиган гапни келтириб ўтган⁶⁴. Кўринадики, халифани бу ишга ундаган нарса Воқидийнинг қироат бобида ҳам моҳир эканлигидир. Чунки у қироатни имом Молик у ҳақда “Нофеъ қироат бобида инсонларнинг имомидир” дея айтган имом Нофеъдан олган ва ривоят қилган.⁶⁵

ВАФОТИ

Воқидийнинг вафоти борасида олимлар уч хил гап айтишган. Улар қуйидагича:

1. У хижратнинг 206- йилида вафот этган. Бунга Ибн Холликон “Икки юз олтинчи йил” дейилган” деган гапида ишора қилиб ўтган.⁶⁶

⁵⁴ Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Холликон. Еҳсон Аббос таҳқиқи. Вафаят ал-аъян ва анбау абна аз-заман.- Байрут/Ливан: “Дару Содир” нашриёти,-Ж.IV.-Б.348.

⁵⁵ Ҳамза ибн Юсуф ибн Иброҳим ас-Саҳмий. Муҳаммад Абдулмажидхон таҳқиқи. Тарихи Журжон.-Байрут/Ливан: “Аълам ал-кутуб” нашриёти, 1407/1987.-Ж.I.-Б.167.

⁵⁶ Бу Бағдоднинг шарқий қисмида халифа Абу Жаъфар Мансур ўғли Маҳдий учун қурдирган ва Маҳдийга нисбат берилган марҳаладир. У кийинчалик “Расофа” деб ҳам номланган. Қаранг: Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр (Ибн Холликон). Еҳсон Аббос таҳқиқи. Вафаят ал-аъян ва анбау абна аз-заман.-Байрут/Ливан: “Дару Содир” нашриёти.-Ж.IV.-Б.351.

⁵⁷ У ҳудуди кенг давлат бўлиб, ҳудуди Ироқдан бошланиб, Ҳиндистонгача чўзилади. Қаранг: Якут ибн Абдуллоҳ ал-Ҳамавий. Мўжам ал-булдон.-Байрут/Ливан: “Дару Содир” нашриёти,-Ж.II.-Б.350.

⁵⁸ Салоҳиддин Халил ибн Ойбек ас-Сафадий. (Олимлар гуруҳи томонидан таҳқиқ қилинган). Ал-вафий бил-вафаят.Байрут/Ливан: “Дару Содир” нашриёти, 1399/1979.-Ж.V.-Б.168.

⁵⁹ Ибн Саъд Муҳаммад ибн Манӣ ал-Басрий аз-Зухрий. Ат-тобақот ал-кубро.-Байрут/Ливан: “Дару Содир” нашриёти, 1405/1985.-Ж.V.-Б.425.

⁶⁰ Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмий” нашриёти,-Ж.III.-Б.4.

⁶¹ Якут ибн Абдуллоҳ ал-Ҳамавий. Мўжам ал-булдон.-Байрут/Ливан: “Дару Содир” нашриёти,-Ж.V.-Б.393.

⁶² Вакиъ Муҳаммад ибн Халаф ибн Ҳайён. Аҳбар ал-кузот.-Байрут/Ливан: “Аълам ал-кутуб” нашриёти,-Ж.III.-Б.326.

⁶³ Абул Фадло Исмоил ибн Касир. Али Шерий таҳқиқи. Ал-бидая ван-ниҳая.-Байрут/Ливан: “Дару ихя ат-турос ал-арабайй” нашриёти, 1408/1988.-Ж.X.-Б.361.

⁶⁴ Вакиъ Муҳаммад ибн Халаф ибн Ҳайён. Аҳбар ал-кузот.-Байрут/Ливан: “Аълам ал-кутуб” нашриёти,-Ж.III.-Б.270.

⁶⁵ Вакиъ Муҳаммад ибн Халаф ибн Ҳайён. Аҳбар ал-кузот.-Байрут/Ливан: “Аълам ал-кутуб” нашриёти,-Ж.VII.-Б.377.

⁶⁶ Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Холликон. Еҳсон Аббос таҳқиқи. Вафаят ал-аъян ва анбау абна аз-заман.-Байрут/Ливан: “Дару Содир” нашриёти,-Ж.IV.-Б.350.

2. У ҳижратнинг 207-йилида вафот этган. Бунга Ибн Саъд “У ҳижрий 207-йилда Зулҳижжа ойининг ўн биринчи санансида сешанба кечасида Бағдодда вафот етган ва сешанба кунда Хийзурон қабристонида дафн қилинган”⁶⁷.

Ибн Саъд ўзининг бу фикрида Ибн Қутайба (ваф.276.х/889.м.)⁶⁸, Ибн Надим⁶⁹, Самъоний (ваф.562.х/1166.м.)⁷⁰, Ибн Асокир⁷¹, Ибн Асир (ваф.630.х/1232.м.)⁷², Сафадий⁷³, Заҳабий⁷⁴, Абул Фадо⁷⁵, Яъмурий (ваф.799.х./1396.м.)⁷⁶ларнинг барчасининг фикрига мувофиқ келиб айтган.

3. У ҳижрий 209-йилда вафот этган. Бу фикрга Хатиб ал-Бағдодий “Воқидий ҳижрий 209-йилда вафот этган.” деган сўзида ишора қилиб ўтган⁷⁷. Хатиб Бағдодийнинг бу фикрига Ибн ал-Жазарий (ваф.833.х./1429.м.) мувофиқ келган⁷⁸.

Буларнинг ичида устун бўлган фикр Ибн Саъд келтирган “Воқидий ҳижратнинг 207-йилда вафот этган” деган гапдир. Бу фикр қуйидаги тўрт сабаб билан бўлади:

1. Бунга ишора қилиб ўтганимиздек, Ибн Саъд Воқидийнинг шогирди, котиби ва унга энг яқин инсонлардан бири бўлган;

2. Юқорида келтириб ўтганимиз каби, Ибн Саъд Воқидийнинг вафотини ва дафн этилишини ой ва йилдан муайян кеча ва кун билан чеклаб қўйганлиги сабабли;

3. Юқорида зикр қилганимиздек, асосий манбааларнинг аксарияти Ибн Саъднинг гапига мувофиқ келган;

4. Замонавий манбааларнинг аксарияти⁷⁹ бу фикрга ижмо қилган.

Воқидий халифа Маъмун даврида етмиш саккиз ёшида вафот этган⁸⁰ ва унга Муҳаммад ибн Самъа жаноза намозини ўқиган^{81,82}.

⁶⁷ Ибн Саъд Муҳаммад ибн Маниъ ал-Басрий аз-Зухрий. Ат-тобақот ал-қубро.-Байрут/Ливан: “Дару Содири” нашриёти, 1405/1985.-Ж.VII.-Б.335.

⁶⁸ Абдуллоҳ ибн Муслим ибн Қутайба. Сарват Уккоша таҳқиқи. Ал-маъариф.-Қоҳира/Миср: “Дар ал-маъариф” нашриёти, 1389/1969.-Ж.I.-Б.518.

⁶⁹ Муҳаммад Исыҳоқ ибн Надим. Юсуф ат-Товил. Таҳқиқи. Ал-фихрист.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, 1416/1969.-Ж.I.-Б.111.

⁷⁰ Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ас-Самъоний. Абдуллоҳ ал-Барудий таҳқиқи. Ал-ансоб.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, 1408/1988.-Ж.V.-Б.566.

⁷¹ Али ин Ҳусайн ибн Ҳибатуллоҳ ибн Асокир. Умар ибн Фарома ал-Амровий таҳқиқи. Тарихи мадиянти Димашқ.-Байрут/Ливан: “Дар ал-фикр” нашриёти, 1415/1994.-Ж.V.-Б.470.

⁷² Али ибн Абулкарим ибн Муҳаммад ибн Асир аш-Шайбоний. Ал-комил фит тарих.-Байрут/Ливан: “Дару Содири” нашриёти, 1370/1937.-Ж.III.-Б.168.

⁷³ Салоҳиддин Халил ибн Ойбек ас-Сафадий. (Олимлар гуруҳи томонидан таҳқиқ қилинган).Ал-вафий бил-вафаят.-Байрут/Ливан: “Дару Содири” нашриёти, 1399/1979.-Ж.IV.-Б.162.

⁷⁴ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Тазкирот ал-хуффо.-Саудия Арабистони: “Дару ихя ат-турос ал-арабий” нашриёти, 1374/1954.-Ж.I.-Б.254.

⁷⁵ Абул Фадо Исмоил ибн Али. Ал-мухтасар фий тарих ал-башар.-Қоҳира/Миср: “Ал-матбаъат ал-хусайнийя” нашриёти, 1325/1906.-Ж.I.-Б.166.

⁷⁶ Бурҳониддин Иброҳим ибн Али ибн Муҳаммад ал-Яъмурий. Муҳаммад Абуннур таҳқиқи. Ад-дийбаж ал-музаҳҳаб фий маърифати аъйни улама ал-мазҳаб.-Қоҳира/Миср; “Дар ат-турос” нашриёти.-Ж.I.-Б.230

⁷⁷ Ал-хатиб Аҳмад ибн Али Абу Бакр ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод.-Байрут/Ливан: “Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, -Ж.III.-Б.20.

⁷⁸ Шамсуддин Абулхайр Муҳаммад ибн Жазарий. Ғоят ан-нихоя фий тобақот ал-қурро.-Дар ал-кутуб ал-илмийя” нашриёти, 1351/1932.-Ж.II.-Б.344.

⁷⁹ Бунга қуйидагиларни мисол қилишимиз мумкин: Фуад Сизгин. Тарихи ат-турос ал-арабий (Араб тилига Маҳмуд Фаҳмий Ҳижозий ва Фаҳмий Абулфазл таржима қилган).2жуз.-Миср/Қоҳира: “Ал-хайъат ал-мисрийя ал-аъмма лил-китаб” нашриёти, 1977.-Б.100, Карл Брукелмен. Тарих ал-адаб ал-арабий. (Араб тилига Абдулҳалим Наҷжор таржима қилган).-Миср/Қоҳира: “Дар ал-маориф” нашриёти, 1969.-Ж.III.-Б.16, Шокир Мустафо. Ат-тарих ал-арабий вал муаррихун.-Байрут/Ливан: “Да ал-илм лил-малайин” нашриёти, 1980.-Б.163.

⁸⁰ Жалоуддин Абдурахмон ибн Абу Бакр ас-Суьотий. Жамол Мустафо таҳқиқи.Тарих ал-хулафо.-Миср/Қоҳира: “Дар ал-фажр” нашриёти, 1425/2004.-Б.265.

⁸¹ Тўлиқ исми Муҳаммад ибн Самъа ибн Убайдуллоҳ ибн Ҳило ибн Вакиъ ибн Бишр ат-Тамимий Абу Абдуллоҳ ал-Куфий. Раъй асъҳобларидан бири еди. Маъмун халифаликдан ажралгунига қадар Бағдодда қозилик вазифасида ишлаган. У сика ҳофизлардан бири бўлган. Ҳижрий 233-йилда (мил.847.й.) вафот етган. Қаранг: Сафийуддин Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Ҳазражний. Хуласоту таҳзиби таҳзиб ал-камал фий асма ир-рижал.-Байрут/Ливан: “Мактабат ал-матбуъат ал-исламийя” нашриёти, 1399/1979.-Ж.I.-Б.339.

⁸² Вакиъ- Ибн Ҳайён Муҳаммад ибн Халаф. Аҳбар ал-қузот.-Байрут/Ливан: “Аълам ал-кутуб” нашриёти.-Б.271.

ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлар кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 19 октябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишидаги нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2022 йил 12 ноябрь.
3. V.M.Zaporozhets. The Seljuks. – Hannover: the European Academy of Natural Sciences e.V. , 2012. – 321 p.
4. Ibn Asir. الكامل في التاريخ (Al-Komil fit-tarix), VIII juz. – Beirut-Lebanon: Dar Al-Kotob Al-Ilmiyah, 2003. – 532 b.
5. Imom al-Hofiz Abul Fado Ismoil ibn Kasir al-Qurayshiy ad-Dimashqiy. البداية و النهاية (Al-Bidayatu van-nihaya). al-Giza (Misr): Hajr, 1998.
6. Maqriziy. السلوك لمعرفة دول الملوك (As-Suluk lima’rifati duvalil-muluk), I juz. Beirut-Lebanon: Dar al-kotob al-ilmiyah, 1997. – 566 b.
7. Shamsuddin Muhammad bin Ahmad Usmon az-Zahabiy. سير أعلام النبلاء (Siyar a’lamu an-nubala), XXIII juz. Beirut-Lebanon: Baytul-afkor ad-davliyya. 2004.
8. Ahmed bin Mahmud. Selçuk-Name, 1-2.cilt. – İstanbul: Kervankibatçılık basın sanayiiveticaret A.Ş., 1977. – 202 s.
9. Ali Sevim. İbnül-Kalânîsinin Zeylû tarih-i Dimaşk adlı eserinde Selçuklularla ilgili bilgiler // Türk tarih belgeleri dergisi. Cilt: XXIX, Sayı: 33. 2008. – S. 1-42
10. Muharrem Kesik. Sultan Alp Arslan’ın Liderlik Vasıfları // İnsan ve Toplum Bilimleri Dergisi, Sayı4. 2014. – S. 43-52.
11. Muhammed Kemaloğlu. XI.-XIII. yüzyıl Türkiye Selçuklu devletinde eğitim-öğretim (medreseler) // Akademik Tarih ve Düşünce Dergisi. Cilt:2, Sayı:5. 2015. – S. 62-79.
12. Prof. Dr. Muharrem Kesik. Selçuklular tarihi. – İstanbul: İstanbul üniversitesi Açık ve uzaktan eğitim fakültesi, 2010. – 374 s
13. Prof. Dr. Faruk Sümer. Oğuzlar. – Ankara: Ankara üniversitesi basimevi, 1972. – 574 s.
14. Prof. Dr. Osman Turan. Selçuklular Tarihi ve Türk-İslam Medeniyeti. – İstanbul: Turan neşriyat yurdu, 1969. – 492 s.

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР:

1. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нодир қўлёзмалар бўлими сайти <http://nodir.natlib.uz:8095/uz-Cyrl-UZ>
2. Ўзбекистон тарихий ва илмий-адабий манбалар сайти <http://ziyonet.uz/>